Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 19 ноябрь, пайшанба № 228 (21.326).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга расмий дўстона ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнни 18 ноябрь куни қабул қилди.

Суҳбат ошкоралик ва ҳайрихоҳлик руҳида ўтди. Ташқи сиёсатнинг айрим масалалари, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек иккала томонни қизиқтирадиган бошқа муаммолар муҳокама қилинди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

ДЎСТОНА ТАШРИФ БОШЛАНДИ

18 ноябрь куни Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Цянь Цичэнь Ўзбекистон Республикасига расмий ташриф буюрди.

Икки мамлакат давлат байроқлари ҳилпираб турган пойтахт тайёрагоҳида Хитой ташқи сиёсат маҳкамаси бошлиғини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, ташқи ишлар вазири У. Абдураззоқов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэнгуан, элчихонанинг масъул ходимлари бор эди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

18 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лин Кларк билан унинг илтимосига кўра учрашди.

М. М. Расулов элчига Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий вазият, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистон ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳамда у бошчилигидаги республика ҳукумати олиб бораётган сиёсат ҳақида, Ўзбекистон ХДПнинг ташкилий мустаҳкамланиш жараёни ва шу бугунги фаолияти тўғрисида батафсил ва холисона ахборот берди.

Жаноб Генри Лин Кларк Америкада яқинда бўлиб ўтган президентликка сайловлар, унда сиёсий партияларнинг иштирок этиш жараёни ҳақида гапирди. У америкалик ишбилармонларда Ўзбекистонга қизиқиш пайдо бўлаётганлигини, чет эл музорибаси (инвестицияси)нинг республикага кириб келиши кўпроқ бу ердаги барқарорликка, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга боғлиқлигини таъкидлади.

Ҳар икки томон Тожикистондаги вазиятнинг тезроқ тинч йўл билан, ташқи кучларнинг таъсирисиз бартараф этилиши, бу ерда тинчлик, барқарорлик қарор топиши тарафдори эканликларини билдирдилар.

М. М. Расулов Америка элчисини қизиқтирган партиянинг тузилма бўғинлари, сиёсий ва парламент фаолияти юзасидан ҳамда бошқа турли саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоев, Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби жаноб Майкл Матера, иккинчи котиби Сильвия Бабус хоним иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

• *ХДП одамлар орасида*

МУҲИМИ ИНОҚЛИК БОР

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов Тошкент вилоятидаги Юқори Чирчиқ райони меҳнаткашлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан учрашди.

Марказий Кенгаш биринчи котибининг райондаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари билан учрашуви хўжалик заршунослари ва йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, ғалаба рапортига имзо чеккан кунга тўғри келди.

М. Расулов меҳнат аҳлининг турмуш шарт-шароитлари, уларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш, уларга уй-жой ва томорқа учун ер ажратиш каби масалалар билан қизиқди.

Ўз навбатида жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикаси депутати Абдумажид Машахапов жамоанинг каноп, шоли, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида эришган ютуқлари ҳақида гапириб берди. Аҳолини зарур истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қўл келаётган иш услублари ва орттирилган тажрибаларга алоҳида тўхталди.

Сўнг М. Расулов хўжалик ҳудудида жойлашган кўп ихтисосли касалхонада беморларга яратилган шарт-шароитлар билан ҳам танишди. Район ҳокимиятида хўжалик раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаоллари билан турли мавзуларда суҳбатлашди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан фикр алмашилди.

М. Расуловга Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси раиси, ХДП Тошкент вилояти кенгашининг биринчи котиби Ў. Турғунов, район ҳокими Т. Холтоев ҳамроҳлик қилишди.

С. СИРОЖИДДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕҲРОН БИР ҚАДАМ БЎЛДИ

Эрон Ислом Жумҳурияти билан Ўзбекистон Республикаси сешанба куни Теҳрон — Тошкент йўналишида тижорий авиарейс очиш тўғрисида битим имзоладилар. Ассоциэйтед пресс ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, ҳужжатга Эрон томонидан миллий авиация ташкилотининг раиси Али Муҳаммад Нуриён ва Ўзбекистон ҳукумати номидан ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи муовини Содиқ Сафоев имзо чекди.

Эрон Ислом Жумҳурияти илгари Туркманистон ва Тожикистон билан ҳам шундай битим тузган эди.

(ЎзА).

ПАХТАМИЗ 4 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ!

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРИ НОРБЕК ҚАЮМОВ ШАРҲЛАЙДИ

Республикамиз бўйлаб хушхабар тарқалди. Пахтакорларимиз уйган хирмон тўрт миллион тоннадан ошди. Умуман олганда бу йилги кўклам ва ёз деҳқонлар учун ноқулай келганига қарамай куз яхши келди. Ёғингарчиликлар камроқ бўлди. Тўртинчи миллион тонна пахта хирмони 19 кун ичида тикланди. Ўтган йили бунинг учун саккиз кун вақт сарфланган эди. Бу, албатта, пахтанинг кечки бўлиб қолиши оқибатидир.

Бунинг устига кўпгина вилоятларда машина-механизмлардан унумли фойдаланилмади. Ҳозиргача анчагина районлар йиллик режани бажарганлари билан машина терими режасини уддалай олмадилар. Йиллик режалар асосан чевар теримчиларнинг ғайрат-шижоати билан уддаланаётир. Ҳозирги кунда далаларда бир миллиондан зиёд теримчи меҳнат қилаётир.

Лекин пахтакорларимиз ҳаётида қувончли воқеалар бўлиб турибди. Ҳозиргача Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларининг пахтакорлари йиллик режани бажариб, кўпчиликка ибрат бўлишди. Республикамиз хирмонига ана шу вилоятлар катта улуш қўшишди. Фарғона, Андижон, Тошкент вилоятларининг пахтакорлари ҳам марра сари дадил одимламоқдалар. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари пахтакорлари ҳам уюшқоқлик билан ишлаб, 19 кун ичида 100—110 минг тоннадан пахта тайёрлаб топширишди.

Пахта тайёрлаш режасини Косон, Ғузор, Олот, Муборак, Ульянов, Баҳористон, Чортоқ, Янгиқўрғон, Жарқўрғон, Қува, Ўзбекистон ва Олтинкўл районлари 110—115 фоизга бажариб, пешқадамликни сақлаб келмоқдалар.

Муборак, Ульянов, Дўстлик, Бўз, Данғара, Пахтакор ва Зафаробод районларида терим агрегатларидан унумли фойдаланиляпти. Айни кунларда пахта териш машиналари билан хирмонга барака киритилаётир.

Айрим кунларда ҳам республикамиз пахта далаларида 10 мингдан зиёд терим агрегатлари ва бошқа техника воситалари иложи борича ишлатилмоқда. Ҳар бир машина билан кунига ўртача 1 тоннадан ошириб пахта терилаётир. Ана шу унумли ишлаётган терим машиналарининг ярмидан кўпроғи Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг хўжаликларига тўғри келади. Шу боис бу вилоятларнинг механизаторлари кундалик теримда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Шуниси қувончлики, кўпгина хўжаликлар ҳосилдорликни тобора ошириб бормоқдалар. Бу йил Пешку районидаги Айний номли, Ғиждувон районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари деҳқонлари ҳар гектар ердан 42—43 центнердан хом ашё топширишди. Балиқчи районининг Навоий номли, «Чинобод», «Пахтакор», Андижон районининг Бобур номли, Хонқа районининг Ал-Хоразмий номли, Қоракўл районининг «Қувача» жамоа хўжаликлари йиллик режани 116—134 фоизга бажардилар. Пешку районидаги Эргашев номли жамоа хўжалигида Рустам Рамазонов, Олот районидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигидан Соттибой Юмутов, Чортоқ районидаги Навоий номли жамоа хўжалигидан Йўлдош Турсунов, Қамаши районидаги «Фарғона» давлат хўжалигидан Раҳмон Товашаров етакчилик қилаётган бригадалар пахта тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришиб, ҳар гектар майдондан 45—52 центнерга етказиб ҳосил йиғиштириб олдилар ва давлатга топширдилар.

Зафаробод районидаги С. Раҳимов номли давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси Шерали Бердиев, Данғара районидаги Худойбердиев номли давлат хўжалигидан Баҳодир Абдураҳмонов, Абдумутал Бекмирзаев, Жабборали Авазов, Шофиркон районидаги Ш. Рашидов номли давлат хўжалигидан Қаюм Усмоновлар пахта йиғим-теримида жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар ўз агрегатлари бункеридан шу кунгача 200—255 тоннадан пахта тўкишга эришдилар.

4 миллион тонналик хирмоннинг бунёд этилишида кўпмингкилограммчи теримчиларнинг ҳиссаси айниқса катта бўлди. Коғон районидаги «Ўзбекистом» жамоа хўжалигидан Феруза Қаҳҳорова, Ульянов районидаги «Москва» давлат хўжалигидан Хурсаной Арслонова, Шеробод районидаги В. Қодиров номли давлат хўжалигидан Муҳаббат Пирсоатова, Гулистон районидаги «Боёвут» давлат хўжалигидан Рапоат Худойқулова, Тошлоқ районидаги «Коммуна» жамоа хўжалигидан Ўктамхон Холматова, Уйчи районидаги «Қизил ровот» давлат хўжалигидан Мавлуда Қамбарова ва бошқалар мавсумда 9—10 тоннадан ошириб пахта териб, республика хирмонига муносиб улуш қўшдилар. Ташаккур шуларга!

Пахта терими уюшқоқлик билан давом этмоқда. Ҳозиргача уч вилоят, 45 район, 400 жамоа, 250 давлат хўжалиги ва 11 мингга яқин бригада йиллик режани ошириб бажардилар. Уларнинг нияти республикамизнинг улкан хирмонини 4 миллион 300 минг тоннага етказиш. Ўйлаймизки, бу марра ҳам тез кунларда эгалланади.

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 18 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	0,40	103,75
Бухоро	0,27	102,57
Наманган	0,30	100,41
Фарғона	0,80	99,23
Андижон	0,44	98,02
Тошкент	0,76	91,48
Сурхондарё	0,73	91,19
Навоий	0,77	90,26
Сирдарё	1.00	88,59
Хоразм	0,58	86,15
Жиззах	0,77	83,86
Қорақалпоғистон Республикаси	0,58	83,38
Самарқанд	0,97	75,09
Республика бўйича	0,63	92,68
1991 йилдагиси	0,00	104,70

ҲИССАЛАРИ БОР

Республикамиз пахта хирмони 4 миллион тоннадан ошишида чевар теримчилар, ажойиб механик-ҳайдовчиларнинг ҳиссалари бор. Шофиркон районидаги А. Навоий номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Ўғилой Низомова ана шундай меҳнатсевар пахтакорлардан.

Марҳамат районидаги Бобур номли жамоа хўжалигида бригада бошлиғи Солижон Ёқубов хўжаликда ҳаммага ибрат бўлаётган деҳқондан бири.

Оққўрғон районидаги «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги деҳқонлари йиллик маррани эгаллаган бўлсалар-да, теримни давом эттирмоқдалар.

Суратларда: 1. Ўғилой Низомова, 2. Солижон Ёқубов. 3. «Қаҳрамон» жамоа хўжалиги аъзоларидан бир гуруҳи: (чапдан ўнгга) механик-ҳайдовчи Мирзаахмад Ҳолмуродов, бригада бошлиғи Тўлаган Отаев, сувчилар Нишонбой Турсуматов, Муаффар Ҳамидов ва бош агроном Малик Муродов.

К. КАРИМОВ, К. ЮСУПОВ ва А. МАЛЬЦЕВ олган суратлар.



ДАРОМАД 40 МИНГ СЎМДАН ОШДИ

Мен ҳар йили этак боғлаб пахта тераман. Лекин бу йилги мавсум бошқача бўлди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов ва ҳукуматимиз деҳқонларга ҳатта ҳамҳўрлик қилиб, пахта нархини оширгани деҳқонлар дилидаги иш бўлди. Энди қўли қадоқ деҳқон ҳам йилига кўп минг сўмлаб даромад қилиш имконига эга.

Оддий бир мисол. Мен шу кунга қадар 10,5 тонна пахта тердим. Ҳисоб-китоб қилинса мавсумда менинг даромадим 40 минг сўмдан ошади. Йил охирида яна қўшимча ҳақ оламан. Тўғрисини айтганда, деҳқон учун бундай имконият ҳеч қачон бўлмаган. Худога шукрки, мана шундай кунларга етдик. Биз ҳам бу кунларнинг қадрига етишимиз, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун янада самаралироқ меҳнат қилишимиз лозим.

Х. НАСРИДДИНОВА, Учқўрғон районидаги «Андижон» жамоа хўжалигининг кўпмингкилограммчи теримчиси.

• ТУРКИЯ—ЎЗБЕКИСТОН •

Шавкат ЯҲЕЕВ

«ҲАММАДАН ҲАМ ЎЗБЕКИСТОННИ КЎПРОҚ СЕВАМИЗ, АРДОҚЛАЙМИЗ ВА ЁРДАМ БЕРАМИЗ»

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Туркияга ташрифи катта воқеа сифатида тарихда қолади. Биз Туркия билан дийдор кўришганимиздан, Туркия лицейларида, олий ўқув юртларида, ҳарбий билим юртларида таълим олаётган юзлаб йигитларимизни кўрганимизда, улар билан мулоқотда бўлганимизда кўзларимизда қувонч порлади. Ахир, икки мингга яқин ёшларимиз турк диёрида таълим-тарбия олишяпти. Ҳали уларнинг сафи янада кенгайишига шак-шубҳа йўқ. Ҳар икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмоқда. Ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигини биз Анқара кунларида тўла ҳис этдик. Бу ерда туркий давлатлар ўртасидаги муносабатларни, иқтисодий, сиёсий, савдо-сотиқ ва маданий соҳаларни янада такомиллаштириш ҳақида яхши режалар тузилди. Туркий давлатлар раҳбарларининг бундай учрашувлари келгусида яна давом этишига ишончимиз комил. 1993 йил октябрь ойида Боку шаҳрида ана шундай учрашув ўтказишга келишиб олинди.

Буларнинг ҳаммасидан битта ягона мақсад кўзда тутиляпти: у ҳам бўлса ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, эҳтиёж туғилган пайтларда мана шундай ўзаро маслаҳатлашиб-кенгашиб олиш, бир сўз билан айтганда ўзаро муносабатларни муттасил мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлаб ўтгим келади. Туркияда ҳам сиёсий партиялар, ҳаракатлар кўп. Уларнинг ҳаммаси ўз мамлакатининг тараққиёти, бозор муносабатларига нисбатан ўз мустақил қарашларига эга. Ҳатто шундай ҳам бўладики, бу партиялар Турғут Ўзол ва Сулаймон Демирэлни кескин танқид ҳам қиладилар. Бироқ бу танқидлар моҳияти билан чуқурроқ танишсангиз шу нарсага имонингиз комил бўладики, биринчидан, бу танқид жуда юксак сиёсий маданият доирасида бўлади, иккинчидан, ҳар бир партия ҳукуматнинг тутаётган йўлига, нуқтаи-назарига катта ҳурмат билан қарайди. Агар гап Туркия давлати, унинг обрўси, унинг тараққиёти билан боғлиқ бўлса, бу партияларнинг ҳаммаси ўзларининг хилма-хил фикрларини бир четга йиғиштириб қўядилар, она-Ватанлари йўлида яқдил, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиладилар. Бунга ҳавас қилса арзийди. Гоҳида бизда айнан ана шу юксак маданият ҳисси, яқдиллик етишмаётганини кўриб хафа бўлиб кетасан, киши. Бўлмасам қаранг: Ўзбекистонимиз мустақиллика эришган йилдан сал кўпроқ вақт ичида қанчадан-қанча ютуқларни қўлга киритдик. Ҳолбуки, ҳамон очиқдан-очиқ қуруқ танқидбозлик билан шуғулланаётган «халқ дўстлари»га: Туркиядаги сиёсий маданиятни ўрганинглар, бу умумий ишимизга катта фойда келтирган бўлур эди, дегинг келади. Ғарб демократларининг «қоиплари»ни ҳадеб чайнайверган билан бир иш чиқадими? Ёки собиқ марказ демократларининг иш услубига ҳавас қиляпсизларми? Ахир, Россия, Болтиқбўйи ва собиқ Иттифоқнинг бошқа минтақаларидаги аҳволни кўриб-билиб турибсизларку, деб уларга дангал гапириш пайти келмадимикан? Ахир, халқимизда дўст амалий ишда синалади, бошга иш тушганда билинади, топган ноннингни дўстинг билан баҳам кўр, бир майизни қирққа бўлиб е, деган нақллар бежиз айтилмаган бўлса керак. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ҳаммамиз қанчалик ҳамжиҳатликда иш олиб борсак, ўз Ватанимизга, халқимизга, келажагимизга шунчалик фойдали эмасми?

Туркияда бўлган чоғимизда республикамизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат шундоққина кўз ўнгингда намоён бўларканки, бу ҳақда минг-минглаб муштарийларга айтмай бўлмайди. Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг тутаётган ташқи сиёсати халқаро миқёсда тобора фаол ва ғоятда аниқравшанлиги билан кўпчилик эътиборини тортмоқда. Масалан, биринчидан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида, энг аввало қўшни қардош республикалар ва Россия Федерацияси билан ҳамкорлигимизни, иккинчидан Шарқ билан, бизга маданияти, тили, урф-одатлари, тарихи ғоятда яқин бўлган халқлар билан ҳар томонлама алоқаларни самарали ривожлантириш, улар билан тобора жипслашиш ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин. Ўзбекистонимизнинг бир йилдан зиёдроқ вақт ичида босиб ўтган йўлига Анқарадан туриб назар ташлаганимда мен Ўзбекистоннинг Ислом Каримов раҳбарлигида халқаро йўлни ишонч ва қатъият билан олиб бораётганини, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик кўпригимизни барпо этганини, Ўзбекистонимизнинг келажаги ёруғ бўлишини ички бир туйғу билан сездим.

Бу фақат менинг хулосаларимгина эмас, балки, ҳамманинг дилидан ўтаётган туйғулардир. Туркияда бизни худди ўз иниларидай иззат-икром қилишгани, қувончларини бирга баҳам кўришгани ҳам шундан яққол далолат бериб турибди. Биз у ерда ўзбекистонликларга алоҳида юксак ҳурмат кўрсатилганлигини қайд этиб ўтган эдик. Шоир Юсуф Тошкандий кексайиб қолган бўлса-да, аммо унинг бизнинг шаънимизга ўқиган шеърида ёшлардек қувонч, ифтихор ва дийдор кўришиш завқу шавқи шундоққина жўш уриб турибди. Туркияда ўша куни бўлиб ўтган тўй-томошалар шоҳиди бўлган ҳар бир киши ҳурриятга эришиш завқи қандай бўлишини, халқнинг эзгу орзу-армонлари ушалиши бу байрамда қандай акс этишини юрак-юракдан ҳис этди. Шу ўринда бевосита ўзимизнинг мустақиллигимиз байрами тантаналари кўз олдимга келди. Бундай байрамлар халқнинг ёдидан узоқ вақт чиқмаслиги табиий. Ҳатто, хаёлимиздан шундай ўйлар ҳам кечди: Анқарадаги байрамда ҳарбий кучлар ҳам намойиш этилди. Бизнинг мустақиллик байрамимизда бу нарсадан онгли равишда воз кечилди. Сабаби — биз бу байрамда эркинлигимизни, озодлигимизни кўрсатдик. Ҳақиқий халқ сайлини, шоду-ҳуррамликни кўрдик. Демак, халқимиз мустақилликка эришганидан мамнун! Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги қийинчиликларга қарамасдан, халқнинг руҳи-кайфияти яхши. Президентимиз томонидан олиб борилаётган кўп қиррали ички ва ташқи сиёсат самаралари шу бир йил ичида шунчалик халқимиз томонидан қўллаб-қувватланаётган ва у дилларда яхши акс садолар уйғотаётган экан, комил ишонч билан шуни айтаманки, мустақиллигимизнинг иккинчи, учинчи... ўнинчи... юзинчи йилликлари беиҳоя самарали бўлади! Бунинг учун ҳозирдан мустаҳкам замин яратилмоқда. Бугунги кун қанчалик мураккаб ва қийин шароитда кечаётган бўлмасин, халқимиз турмуш даражаси эртанги кунда яхши бўлишига аниқ ишонамиз.

Фақат шу нарсани истардикки, ҳаммамиз қўлимиздан келганча тадбиркорлик, уддабуронлик ва ишбилармонлик кўрсатишимиз лозим. Халқимиз ўз ҳокимиятига ишонади. Энг муҳими ана шунда! Ислом Абдуғаниевич Каримов қайта-қайта таъкидлаганларидек, халқимизнинг ўз ҳокимиятига ишончи келажагимиз учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ёшларимизнинг чет элларда таълим олишаётгани, хорижий мамлакатлар билан амалий ҳамкорлик тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бораётгани истиқлолимизга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади.

Тарихимиз, маданиятимиз, эътиқодларимиз бирлиги Шарқ мамлакатлари билан бундан буён ҳам дўстона ҳамкорлик алоқаларимизда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида биз жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан ўзимизга мос ва хос жиҳатларини оламиз, бунда айниқса, Туркия тажрибасидан фойдаланиш бизга ғоятда муҳим самаралар бериши шубҳасиздир.

Интилиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ниятимиз қанчалик кучли бўлса, шунга яраша саъй-ҳаракат, фидойилик зарур! Бизга ҳақиқий, ўз она-Ватанини севадиган фидойилар сув билан ҳаводек керак. Тез-тез дийдор кўришиб туриш, кучларни бирлаштириш, бир-биримизнинг ибратли жиҳатларимиздан намуна олиш келажагимизни таъминлайди. Ахир, биз ўтмишда буюк халқ эдик, бизнинг тупроғимизда бутун жаҳонни лол қолдирган нене алломалар етишиб чиқмаган дейсиз! Демак, бизнинг илдизимиз бақувват, буни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз керак.

Туркияда бўлган чоғимизда биз бир нарсага эътиборни қаратдик: у ҳам бўлса бизнинг Ўзбекистонимизга, Президентимиз Ислом Каримовга бутун турк халқининг, унинг раҳбарларининг меҳри ниҳоятда баланд. Ҳурматли муштарийлар бизнинг Туркия сафаримиз натижаларини телевидение орқали ҳам кўриб бунга ишонч ҳосил қилган бўлсалар керак. Унга бағишланган фильмда бир нарсага эътибор бердингизми: делегациямиз бораётган йўлларда дарахтларга қатор портретлар осиб қўйилган. Бу портретлар бир эмас, ўн эмас, жуда кўплабдир. Буни ўзбек халқига, бутун Ўзбекистонга юксак ҳурмат ифодаси, бу — оқилона сиёсат, бирдамлик, ҳамкорлик ва дўстлик ифодаси. Бу — Ўзбекистонимизнинг келажагига ишонч, деб биламиз. Қардош Туркия бу ҳурмат-эътиборини амалда кўрсатмоқда, мустақил Ўзбекистонимизга катта кўмак бермоқда. Бу кўмакнинг миқёслари кенг. Ҳозир ёшларимиз турли соҳалардаги ихтисослар бўйича Туркияда малака орттиришяпти, бу ҳам — амалий ёрдамдир. Унинг келажакда беиҳоя катта самара бериши турган гап. Улар ўзларига яратиб берилган шарт-шароитлардан, тажрибали мутахассислар таълим бераётганидан, барча илғор ўқув-методик қўлланмалар ҳозиру нозир қилинаётганидан мамнун эканликларини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Шу боисдан ҳам биз дўстларимизга эътиқодни, ҳар қандай шароитда ҳам бирбирига амалий ёрдам беришни ҳамма нарсадан юқори қўямиз. Ахир, халқимиз дўст билан обод уйинг, деб бежиз айтмайди-да!

СУРАТДА: туркий давлатлар раҳбарларининг Анқара учрашувидаги аҳдлашувларига онд қўшма баёнотни имзолаш пайти.

СУРАТДА: Анқаранинг бугунги кўриниши.
Ф. НИЗОМОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

Задарё районидаги «Гулбоғ» давлат хўжалиги пахтакорлари йиллик режани биринчилардан бўлиб бажардилар. Мавсумда механизаторлар меҳнати уюшқоқлик билан ташкил этилди. 98 агрегат бенуқсон ишлатилди. 17 отрядга бирлашган механизаторлар иши унумли бўлди. Натижада 14 минг 600 тонналик хирмонга муносиб улуш қўшдилар.

Суратда: давлат хўжалиги директори Анорбой Мақсудов 7-отряд механизаторлари даврасида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

ДАЛАДАГИСИ ЭМАС, ОМБОРДАГИСИ ҲИСОБ

РЕСПУБЛИКАДА ШОЛИ ТАЙЁРЛАШНИНГ БУГУНГИ СУРЪАТИГА БИР НАЗАР

● Мустақил республикамиз халқининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондиришда шоли муҳим аҳамиятга эга. Зеро, республикамиз шоликорлари ана шу эҳтиёжни қондириш учун ҳаракат қилаётирлар.

Бу йил жами 168,6 минг гектар майдонга серҳосил шоли уруғи экилган эди. Бутун мавсум давомида яхши парвариш қилинган экинлар мўл ҳосил берди.

Айни кунларда шоликорлар сўнгги гектарлардаги ҳосилни саранжомлаб олишаётир. Ҳозиргача 93 фоиз майдоннинг шолиси ўриб олинди.

Шуниси қувончлики, Сирдарё ва Хоразм вилояти шоликорлари йиллик режани биринчи бўлиб бажариб, айни пайтда режадан ташқари маҳсулот топширмоқдалар. Сирдарё вилояти деҳқонлари мавжуд 900 гектар ернинг ҳар гектаридан режадаги 34,4 центнер ўрнига 45,8 центнердан маҳсулот олдилар. Хоразмликлар эса ҳосилдорликни 40 центнердан оширдилар.

Бу вилоятларнинг бир қатор районларида янада яхши натижалар қўлга киритилди. Музрабод, Сайхунобод, Сирдарё, Боғот, Гурлан, Хонқа ва Янгибозор районларида ҳосилдорлик 45-48 центнерни ташкил этди. Айрим хўжаликларда, масалан, Музрабод районидаги «Искра» ва «Правда», Сирдарё районидаги «Гулистон» ва «Янгиобод», Боғот районидаги «Боғот», Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли, Янгиариқ районидаги «Янгиариқ» ва «Амударё» давлат хўжаликлари гектаридан 50—58 центнердан маҳсулот олиб, республикамиз хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилояти шоликорлари ҳам шу кечакундузда ўз зиммаларига олган топшириқларни бажариш арафасида туришибди. Шу кунларда шолизорларда ўрим-йиғим ишлари якунланиб бормоқда.

Бироқ ўрим суръатини ошириш ўрнига сусткашликка йўл қўяётган вилоятлар ҳам бор. Улар қуёшли кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиш ўрнига ишларни ўлда-жўлда олиб бораётирлар. Айниқса, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятлари шолизорларида ўрим-йиғим суръати ҳамон паст. Комбайнлар тўла қувват билан ишлатилмаётир. Ҳар бир комбайннинг иш унуми атиги 1—1,5 гектарни ташкил этяпти, холос.

Бир қатор вилоятларда ҳосилдорлик республикамизнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам пастроқ. Чунончи ҳосилдорлик Қорақалпоғистон жумҳуриятида 32,9 центнер, Андижон вилоятида 23,5 центнер, Наманган вилоятида 20,6 центнер ва Фарғона вилоятида 17,0 центнерни ташкил этмоқда.

Шолини давлатга сотишда Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари орқада боришаётир. Бу вилоятларда топшириққа нисбатан энди 55—74 фоиз миқдорида дон сотилган.

Бу йил республика шоликорлари олдида масъулиятли вазифа турибди. Давлатга 400 минг тонна шоли сотилиши керак. Ҳозир кунига ўртача 1138 тоннадан маҳсулот топширилмоқда. Давлат омборларига топширилган жами шоли 355 минг тоннани ташкил этди. Бу топшириққа нисбатан 89 фоизга тўғри келди.

Яна бир муҳим иш борки, уни эртага ёки индинга қолдириб бўлмайди. Хўжаликлар ўзларига керакли бўлган уруғни ғамлаб қўйишлари керак. Хоразмликлар бу ишнинг уддасидан чиқишди. Улар кўкламда экиладиган сара уруғни аллақачон ғамлаб қўйишган.

Ўйлаймизки, бошқа вилоятларнинг шоликорлари ҳам хоразмлик ва сирдарёлик ҳамкасбларидан ўрнак олиб, барча ҳосилни тезда йиғиштириб оладилар ва давлатга сотадилар. Зеро, даладагиси эмас, омбордагиси ҳисоб, деб бежиз айтмаганлар.

С. ЯХШИБОЕВ,
Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ғаллачилик бошқармаси бош мутахассиси.

ЗАФАР МУБОРАК

Шу кунларда республикамизнинг кўплаб районлари, хўжаликларидан пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарганликлари ҳақида кетма-кет ғалаба рапортлари келиб турибди. Қуйида ана шуларнинг айримлари билан танишасиз.

● Андижон вилоятининг бир йўла икки райони — Шаҳрихон ва қўрғ Комсомолобод районлари маррага етдилар. Шаҳрихонликлар қабул пунктларига 30,5 минг тонна, чўлқуварлар эса 36,1 минг тонна «оқ олтин» топширдилар. Бу районларда йиғим-терим давом этмоқда. Андижон вилояти деҳқонлари ҳам бугун-эрта маррага етадилар.

● Қўрғонтепа райони пахтакорлари ҳам режани бажарди. Давлатга 30,2 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Район меҳнаткашлари ҳосил чўғини чамалаб, яна бир ярим минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

● Термиз райони ипак пахта усталари бу йилги табиий қийинчиликларга қарамай мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 17 минг тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Унинг ярмидан кўпроғи уруғлик пахтадир. Райондаги «Гулбаҳор» давлат хўжалиги, «Дўстлик», «Янгиариқ», «Намуна» жамоа хўжаликлари бу ютуққа муносиб улуш қўшдилар. Термизликларнинг нияти—яна беш тонна пахта тайёрлаш.

● Куни кеча Қорақалпоғистондан ҳам хушхабар олинди. Элликқалъа районидаги 4 та пахтачилик хўжалиги манзилга етди. Улар республика хирмонига жами 8 минг тоннадан зиёд пахта тўкишди. Жумладан Оржоникидзе номли давлат хўжалиги 2600 тонна, «Москва» давлат хўжалиги 2870 тонна, «Ўзбекистон» давлат хўжалиги 2100 тонна, Навоий номидаги давлат хўжалиги 720 тонна «оқ олтин» сотишди.

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

● Навбаҳор райони пахтакорлари Навоий вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини уддаладилар.

Эл хирмонига 30540 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Гектаридан 27,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Эришилган муваффақиятга С. Жўраев, Свердлов номли, Навоий номли, Охунбобоев номли, «Зарафшон» жамоа хўжалиги деҳқонлари муносиб ҳисса қўшдилар. Уюлган хирмоннинг 14 минг тоннаси пўлат этаклардан тўкилди. Т. Маҳмудов, С. Нурлиев каби механик-ҳайдовчилар 130 — 150 тоннага етказиб пахта теришди.

Имкониятларини чамалаб чиққан навбаҳорликлар хирмонга яна 2 минг тонна пахта тўкишга, ялпи ҳосилдорликни эса 30 центнерга етказишга қарор қилишди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР

ҲАЛИ ҲОСИЛ КЎП

Бухоро вилояти заршуносларининг республикада биринчи бўлиб йиллик режани адо этдилар. Лекин ҳар куни янги хўжаликлар марра эгаллангани ҳақида рапорт бериб туришибди.

— Ҳали далаларимизда ҳосил кўп, — дейилади Вобкент районидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигидан йўлланган телеграммада. — Жамоа хўжалиги меҳнаткашлари 1052 гектар майдондан 3580 тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни 34 центнерданга етказдилар. Даладаги барча ҳосилни йиғиштириб олиш учун кураш боряпти.

МУНОСИБ ҲИССА

Тошкент вилояти деҳқонлари ғалаба манзилига дадил интилмоқдалар. Куни кеча Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалиги Пискент районида биринчи бўлиб йиллик режани бажарди. Ялпи ҳосил 3860 тоннани ташкил этди. Бу—1334 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24,4 центнердан пахта йиғиштириб олинди, дегани. Ҳосил баракасига Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари Т. Абдуҳадов, М. Мадалиев, А. Қосимов бошлиқ бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси— умумхалқ муҳокамасида

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Лойиҳанинг I боб 4-моддасининг «барча халқларнинг тиллари» жумласидан кейин «дини, миллий урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун ёрдам кўрсатади» деб ёзилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги XIII бобнинг 59-моддаси қуйидагича ифодаланса менимча тўғри бўлади. «Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш уларнинг Низомларига мувофиқ амалга оширилади. Жамоат бирлашмаси ёки сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Қонунларига зид фаолияти учун эса фақат суд қарори билангина уни тарқатиб юбориш, таъқиқлаш ёки чеклаб қўйилиши мумкин».

Лойиҳанинг XXI боб 102-моддаси 6-сатридаги «органларнинг» жумласидан сўнг «қарорлари ва ҳаракатлари, ҳудуддаги мустаҳкам тартибинтизом, жиноятчилик, чайқовчилик, товламачилик, давлат жамоа ҳамда фуқароларнинг мулкини турли кўринишларда ўғирлаш, талон-тарож қилишга қарши қаттиқ курашилиши учун шахсан жавобгардир», шу бобнинг 103-моддасининг охирига «Ҳокимлар ўзларининг фаолиятлари юзасидан йил якуни бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларида ҳар йили бир марта ҳисоб берадилар», жумлаларини киритиш керак.

104-моддадаги қишлоқ ва маҳалла Кенгашларининг раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчиларининг ваколат муддатини беш йил қилиб қўйиш зарур.

А. МАМАСИДИҚОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Задарё район кенгашининг биринчи котиби.

* * *

25-модданинг охирги жумласида: «Судда айблаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади», деб ёзилган. Мантиқий нуқтаи назаридан бу жумла тескари хулосани келтириб чиқариши мумкин. «Судланаётган шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши учун унга сўзлаш, баҳслашиш, қўшимча гувоҳлар, ашёвий далиллар, ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқи берилади» деб ўзгартирилса маъқул бўларди.

Лойиҳанинг 89-моддаси ҳам таҳрирталабдир. Чунки бу моддадан ҳар қандай миллат вакили ўн йил Ўзбекистонда яшаб, ўзбек тилини ўрганиб олгач, президентликка номзодини қўяверши мумкин, деган хулоса чиқади. Шу боис «...бевосита сайловгача камида ўн йил ...» деган жумланинг ўрнига «Республика ҳудудида муқим яшаб келаётган ўзбек милларатига мансуб» деган жумлани киритиш ўринлидир.

Ч. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Ленин йўли район кенгаши котиби, район Кенгаши депутати. Сурхондарё вилояти.

* * *

13-модда «Ўзбекистон Республикасида демократия умум (принципларга эмас) қадриятларга таянади», деб ёзилса. Шу модданинг иккинчи хатбошиси: «Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, барча умум инсоний қадриятлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади», деб тўлдирилса.

32-модданинг биринчи хатбошисининг иккинчи жумласи «Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирларни муҳофаза қилиши керак. Агар бу тадбирлар жиноятларни содир этса, судга ҳавола этмоқ керак», деб ўзгартирилса.

72-модданинг биринчи хатбошисининг иккинчи жумласидан сўнг, «Энг олдин маълум ҳудудда яшовчиларнинг референдуми асосида, умум розилигини олгандан сўнг Ўзбекистон Олий Кенгашининг тасдиқидан ўтказиш керак» деб ўзгартирилса.

74-модда қуйидагича «Ўзбекистон Олий мажлиси, ҳудудий сайлов округлари бўйича барча партиялардан, касаба уюшмалари ва иқтисоди, жиҳатдан батамом мустақил кооператорлар, банкирлар ва фермерлардан, биржа ходимларидан, барча партиясиз оммадан, меҳнат фахрийларидан муқобиллик асосида Ўзбекистонда 10 йил яшаётган, ўзбек тилини яхши биладиган, Ўзбекистон фуқароларидан 750 нафар депутатдан иборат қилиб сайлансин», деб ёзилса.

Конституцияга янги «Депутатларни сайлаш мақоми» деган моддани қўшмоқ керак.

108-модда «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти 10 йил муддатга муқобиллик асосида сайланадиган...» деб тўлдирилса. Бу хатбоши тугагач, янги жумла «Барча поғонадаги сайланган судлар ўз вазифаларини бажариб турган даврларида «Сиёсий партияларга аъзоликларини тўхтатиб турсинлар», деб ёзилса айни муддао бўларди.

Р. ЭШОНҚУЛОВ,
меҳнат фахрийси Бухоро вилояти.

• *Ўзбекистон—Германия*

ҚУРИЛИШДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентда «Қурилиш машиналари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш машина-ускуналари» мавзуида Ўзбекистон — Германия семинар-кенгаши бошланди. Кенгаш Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги билан Германия қурилиш техникаси ишлаб чиқарувчилари уюшмасининг ташаббусига биноан ўтказилмоқда. Ўнинг ишида Германияда қурилиш техникаси ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш, машина асбоб-ускуналари яратиш билан шуғулланувчи 24 та етакчи фирманинг вакиллари қатнашмоқдалар. «Крупп машинентехник», «Либхер экспорт АГ», «Пери ГМБХ», «Рамакс машиненбау» кабилар шу жумлага киради. Семинар-кенгашда Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистон мутахассислари ҳам иштирок этмоқдалар.

— Немис касбдошларимиз билан анчадан буён яхши муносабатда бўлиб келяпмиз, — деди Ўзбекистон қурилиш вазири Қ. Ҳ. Маҳамадалиев. — Германия — қурилиш техникаси яратиш соҳасида пешқадамлардан бири. Аммо илгари алоқаларимиз ахборот айирбошлаш, халқаро кўргазмаларда қатнашиш билан чекланар эди. Энди биз янги поғонада муносабат ўрнатмоқчимиз. Семинар арафасида биз қўшма корхоналар барпо этиш истиқболлари ҳақида гаплашиб олдик. Ҳамкорларимиз ёрдамида ўзимиз ишлаб чиқараётган қурилиш техникаси нусхаларини янгилаб олишни, уни бошқа мамлакатларга сотишни мўлжаллаяпмиз. ГФР фирмалари мутахассислар тайёрлаш соҳасида ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари қурилиш техникасидан фойдаланиш масалалари, бинокорлик материаллари тайёрлаш усуллари ва технологиялари юзасидан немис мутахассисларининг маърузаларини тинглайдилар. Семинар доирасида учрашувда қатнашаётган немис фирмалари маҳсулотларининг кўргазмаси ўтказилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА мухбири).

• *Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?*

МЕН СЕНГА СУЯНАМАН...

Одамлар уйида электр чироғи ўчиб қолса ҳам партия органига мурожаат қилар эдилар.

Тўғри, ҳозир партия бошқа, жамиятда тутган ўрни бошқа. Бироқ ҳар қанча оғир бўлмасин, биз халққа далда бўлишимиз, унинг мушкулини енгиллаштиришимиз зарур.

Менимча, бизнинг долзарб вазифамиз одамларда турмушга нисбатан муносабатни ўзгартиришдан иборат. Шу мақсадда «Оқ олтин» жамоа хўжалиги партия ташкилотининг аҳоли ижтимоий ҳимояси борасидаги фаолиятига оид масала район партия кенгаши бюросида кўриб чиқилди. Бу масала навбатдаги пленумга ҳам тайёрланмоқда.

Район ҳокимлиги билан бирга кўча сайиллари ўтказдик. Тадбир жараёнида кўплаб маҳаллаларда, хонадонларда бўлдик, одамларнинг дарду ҳасратини, таклиф— мулоҳазаларини эшитдик, оилавий шароитларини ўргандик, керакли ёрдамларни уюштирдик. Сайил давомида боқувчисини йўқотган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам берилди, йўллар тартибга келтирилди. Моддий жиҳатдан ўзини ушлаб олган кишиларнинг қишлоқдошларига атаган хайрияларини қўллаб-қувватладик ва кенг тарғиб этдик.

Жумладан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида яшовчи фермер Қилич Содиқов шу хўжаликда яшовчи муҳтож кишиларнинг уйларини таъмирлаш учун жамғармасидан уч минг сўм ажратди. Улуғбек номли давлат хўжалигидан Баҳодир Қудратов ҳам ана шундай хайрли ишга қўл урди.

Халқимизда «Қўлдан берганга қуш тўймас», «Ўзинг учун ўл етим» деган нақллар бор. Дарҳақиқат, ҳар бир киши меҳнат қилишни ва шу орқали даромад олишни ўйламас экан, тўкинчилик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан аҳоли ўртасида томорқалардан унумли фойдаланиш, уйда чорва ва паррандаларни кўпайтириш хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Шу ўринда бир мулоҳазам бор. Ижтимоий адолат ижтимоий ҳимоянинг мезонидир. Шундай экан, иккаласи доим бир-бирига мос тушиши зарур. Бизда эса баъзан акси бўлаяпти. Масалан, савдодаги тартибсизликлар, харидор ҳақига хиёнат қилишлар пайи қирқилмаяпти. Бу соҳа ходимлари нарх-наво ошган сари бойиб боришаяпти. Президент маҳкамаси ҳузуридаги Давлат назорати комитети бу тармоқни етарлича назорат қилмаяпти.

Хусусийлаштириш масаласида ҳам адолат торозисининг посангиси тўғри қўйилмаяпти. Чўнтагида пули бор савдо ходимлари яна молу мулк эгаси бўлишаётир. Ахир, бу аҳволда кўп ўтмай аҳолининг бир қатлами жуда бойиб, яна бир қатлами қашшоқлашиб кетмайдими?!

Битигим давомида яна партиянинг нуфузи ҳақида сўз юритмоқчиман. Лўнда қилиб айта қолай: **жамиятнинг етакчи снёсий кучи сифатида партия кадрлар масаласига аралашмас экан, унинг обрўси, келажаги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, ҳар қандай ҳокимият ёки давлат бирорта кучли снёсий партияга таянмас экан, жамиятда барқарорликни таъминлай олмайди. Шу нуқтан назардан мен етакчи партия ҳақида давлат Қонуни ишлаб чиқилиши зарур, деб ҳисоблайман.**

Тўғри, ҳозирча айрим жойларда партия Кенгаши биринчи котиблари ҳамда ҳокимларнинг шахсий самимий муносабатлари туфайли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Лекин тарихдан маълумки, снёсий курашда шахсий муносабатлар барқарор бўлмайди, ўзгариб туради. Фақат қонунлар уларни тартибга солиб туради.

Самандар ШУКУРОВ,
Ўзбекистон ХДП Нарпай район кенгаши биринчи котиби.

Суратда: ушбу корхона 3-цехи ишчиси Шоҳидахон Мадаминова.

Н. РАҲМОНОВ олган сурат.

Қўқон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг қатор цехларида хориждан келтирилган янги ускуналар ўрнатилди. Бундай замонавий технология қурилмаларининг ишга туширилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш сифати тубдан ўзгарди. Ҳозир бу ерда ҳам пишиқ-пухта, ҳам бежирим оёқ кийимлари тайёрланаяпти.

ЯНГИ КЛУБДА БАЙРАМ

Андижон вилояти Булоқбоши районининг Ойбек номидаги жамоа хўжалиги меҳнатчилари ҳаётида бирданига икки яхши воқеа юз берди: улар пахта далаларида қўлга киритган ғалабаларини янги клубда нишонладилар. Хўжалик қурилиш бригадасининг усталари марказий қўрғонда-ги бу клубни бир йил ичида қуриб битказдилар. Эндиликда бу ерда жамоа хўжалиги фольклор дастаси артистлари концертларга тайёргарлик кўришлари ва томоша кўрсатишлари мумкин, ҳар оқшом фильмлар намойиш этилади.

(ЎзА мухбири).

• *Қадрият*

ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ УШАЛГАН ИСТАК

Боғот районидаги Бешариқ қишлоғи аҳлининг суюкли фарзанди Искандар Дўсов хотирасини ўзи туғилган элда абадийлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон истиқлоли туфайли амалга ошди.

Бу жамоа хўжалиги яқин вақтларгача Нариманов номи билан аталар ва ўша ном билан неча ўн йилдирки, жумҳуриятдагина эмас, ҳатто собиқ Иттифоқда донг таратган эди. Наримановнинг кимлигини, қандай хизматлар қилганини деярли ҳеч ким билмасди. Аммо оддий қишлоқ деҳқонининг етти яшар фарзандидан ҳам «Искандар Дўсов ким?» деб сўрасангиз: «Искандар отами? Биламан, у раис бува! Бизларнинг боғчамизни қуриб берган!» деб, фахр ва ҳаяжон билан жавоб беради.

Ҳа, Искандар Дўсов бешариқлик оддий бир деҳқон фарзанди эди. Хоразмликлар тарихига «Галкин йили» деб ёзилган 1916 йилда чоракор Дўст ака оиласида таваллуд топганди. Бу сана «Галкин йили» деб аталишининг сабаби — чоризм зулмига қарши бош кўтарган хоразмликларнинг анча-мунчасини Туркистон губернатори йўллаган генерал Галкин бошлиқ жазо отряди қиличдан ўтказгани, ҳатто бешикдаги норасида гўдакларни ҳам аямай хунрезлик қилганидир. Ўшанда бешариқликлар ҳам оқпошшо учун (буни кейинчалик советпараст тарихнавислар «Хоразм хони учун» дея, нотўғри талқин қилиб келишган!) катта миқдорда солиқ тўлашдан бош тортишган, эвазига Галкин жазо отрядининг аёвсиз зуғумига гирифтор қилинган эди. Шу даврнинг, кейинчалик «совет» деб аталган янги империянинг оғир зулми кўплар қатори Дўст ака умрини ҳам бевақт ҳазон қилди.

Искандар тоғаси қўлида ўсиб-улғайди. Ўн тўрт ёшида қишлоқда ташкил этилган Нариманов номи билан аталган жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирди. Ўн саккиз ёшида уни жамоа ёшларига сардор этиб сайлашди. 1938—1939 йилларда колхозга, 1940—1941 йилларда эса Бешариқ қишлоқ кенгашига раисликка кўтаришди.

1941 йилнинг кеч кузида Искандарни Улуғ Ватан урушига жўнатишди. 1943 йилда Калач остонасидаги жангларда оғир яраланиб, Доғистоннинг Дербенд госпиталида тўққиз ой тўшакка михланиб ётди, қишлоқа қайтгач, элдошлари уни яна Нариманов номли колхозга раисликка сайлашди. Шу-шу Искандар Дўсов 1944 йилдан 1976 йилнинг ноябригача колхозга дарғалик қилди, эл-юртга танилиб, Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Хўжалик унинг тадбиркорлиги ва моҳирона етакчилигида катта шуҳрат таратди. Бешариқ шаҳар қиёфасини кашф этди.

У ўзбек халқининг содиқ фарзанди, жумҳуриятга чорак аср раҳбарлик қилган, таниқли шоир ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг қалин дўсти, қадрдони эди. Шароф ака Хоразмга ташриф буюрганида Искандар Дўсов билан дийдорлашмай кетмас эди. Отани жумҳурият қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ғоят тадбиркор ва уста билимдонларидан бири сифатида эъзозлар, гурунг-суҳбатларини хуш кўрар эди. Искандар Дўсов оламдан ўтгандан кейин ҳам Шароф ака ота қабрини зиёрат қилган.

Бешариқликлар Искандар Дўсов хотирасини абадийлаштиришни ўн олти йил орзиқиб кутишди. Хўжаликни унинг номи билан аташни сўраб, тегишли ташкилотларга неча марталаб талабномалар йўллашди, лекин ҳар сафар рад жавобини олишди...

Ҳайриятки, истиқлол шабадалари эса бошлади. Мустақиллик Бешариқ деҳқонига ҳам ўзини, ўзлигини танишга, қадриятини тиклашга кенг йўл очиб берди. Қишлоқ меҳнат аҳли яқинда хўжаликни элнинг суюкли фарзанди Искандар Дўсов номи билан аташга қатъий қарор қилдилар.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЙЧИ ЎЙЛАГУНЧА ТАВАККАЛЧИ ИШ БОШЛАЙДИ

Қурилишда аҳвол яхши эмас, дейишга кўникиб боряпмиз. Дарҳақиқат, бу даъволарда жон бор: қатор бинокорлик ташкилотлари бозор иқтисодиёти қийинчиликлари, қурилиш материаллари танқислигини писанда қилиб, бинокорлик суръатларига бефарқ қарашяпти.

Лекин ўйчи ўйлагунча таваккалчилар иш битиришмоқда. Масалан, Ўзбекистон сув иншоотлари қурилиши давлат комитети бўлинмалари йил бошидан буён қарийб 200 миллион сўмлик асосий фондларни фойдаланишга топширдилар.

Хўш, бу фондлар нималардан иборат? Йилнинг ўтган даври мобайнида 1.829 гектар суғориладиган ерлар деҳқончилик қилиш учун топширилди. Янги очилган ерларда одамлар ишлаши, яшашига ҳам шароитлар яратилди. Жами 130 минг квадрат метр уй-жой бинолари қуриб берилди. 4.453 ўринли мактаблар фойдаланишга топширилди. Болалар боғчаларини ишга туширишрежаси икки ҳисса зиёда адо этилди ёки 1.045 ўринли боқчалар барпо қилинди.

Бундан бошқа объектлар ҳам ишга туширилди. Улар орасида 36 километрли сув тармоқлари ва 15 километр узунликдаги газ тармоқлари ҳам бўлиб, улар аҳоли хонадонларини ичимлик тоза сув ҳамда табиий газ билан таъмин этишга хизмат қила бошлади.

Шуни айтиш керакки, бундай силжишга ишни тўғри ташкил этиш туфайли эришилмоқда. Айниқса, бўлинмалар ўртасидаги ҳамкорлик ва асосий кучларни ишга туширишга қурилиш майдонларига жалб этиш яхши самара бермоқда.

Ж. ҚОСИМОВ.

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

«Ўзмевасабзавотвиносаноат» концерни қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи Низомиддин Хўжаев республикамиздаги тўрт хўжалик Голландиянинг «Аальберс» Европ Консультанс» фирмаси билан ҳамкорликда картошка етиштиришга киришгани ҳақида бизни воқиф этганида июнь ойининг охири эди. Ўшанда хўжаликларда уруғ экиш тугалланаётган, ҳосил октябрь — ноябрь ойларида етилишини айтишган эди. Мана, Низомиддин Икромович билан яна учрашдик. Суҳбатдан сўнг голланд технологияси асосида картошка етиштираётган Тошкент вилоятидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги далаларига йўл олдик. Суҳбатдошимизнинг айтишига қараганда, бу ерда голланд фермерлари билан амалий ҳамкорлик илк самарасини кўрсатибди.

— Голландияликлар қўлланилаётган технологияни қандайдир мўъжизага йўйманглар, — дея огоҳлантирди йўлда суҳбатдошимиз.— Майда-чуйда тафсилотларсиз айтақолай: унинг учта сири бор, холос. Биринчиси — юксак агротехникага қатъий амал қилиш, иккинчиси — ишончли, сара уруғ. Учинчиси эса комплекс механизация. Барча юмуш — тупроққа ишлов беришдан тортиб, то уруғ экиш, ҳосилни йиғиб-териб олишгача, ҳатто картошкани сақлаш ҳам техника гарданига юкланган. Мавсум мобайнида голландиялик фермерлар Ян Гелюк, Питер Тексайпейс, Ян Хаузен, Руд Беккер деҳқонларимиз билан бирга бўлишиб, маслаҳатчи вазифасини бажардилар.

— Ғарбий мамлакат технологиясини минтақамизда қўллашда қандайдир таваккал қилиндими ёки пишиқ-пухта хулосаларга таянилдими?

—Таваккал қилганимиз йўқ. Биз шартнома тузишга қадар голланд технологияси дунё миқёсида ўзини оқлаётгани ва табиий иқлим шароити бизникига ўхшаш Осиё мамлакатларида ҳам муваффақиятли қўлланилаётганидан хабардор эдик.

Йил бошида томонлар умумий суммаси 23,5 миллион голланд гульденига тенг шартномани беш йил муддатга имзоладилар. Фирма зарур жиҳозлар, техника, дориворлар ва уруғлик қартошка етказиб бериш мажбуриятини олди. Харидор, яъни бизнинг концерн эса эвазига ғегишли миқдорда пахта толаси айирбош қилади.

БУ ЙИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТЎРТ ХЎЖАЛИК ГОЛЛАНДИЯЛИКЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА КАРТОШКА ЕТИШТИРДИ

— Шартнома кучга киргандан буён анча вақт ўтди. Энди унинг бандлари қандай бажарилаётгани ҳақида фикр билдирилса бўлар?

— Фирма билан ҳамкорлик дастлабки кунлардаёқ ишончли бўлганини таъкидлаш даркор. Юқорида қайд этилган тўрт хўжалик — Аҳмад Яссавий номли колхоз, Андижон вилоятидаги «Дардоқ» ижара хўжалиги, Фарғона яқинидаги Ленин номли совхоз, Ўрта Чирчиқ районидаги Акмал Икромов номли колхозда янги технологияни жорий этиш пайтида шерикларимиз бевосита иштирок этдилар. Шартномага биноан фирма қишлоқ хўжалик машиналари, дориворлар, уруғлик материалларни ўз вақтида етказиб берди, мутахассислар юборди, Йиғим-терим арафасида — 9, 10, 12 октябрь кунлари учта «ИЛ-76» транспорт самолёти билан қартошка поясини ўрадиган машиналар, картошка ковлайдиган комбайнлар, сараловчи техника олиб келинди. Булардан ташқари, туширишюклаш механизмлари, картошка сақлаш учун идишлар олинди.

— Ҳозир ҳосил йиғиштирилмоқда, ноборалн айтганда ғалвир сувдан кўтарилаяпти, демак дастлабки хулосалар учун асос бор...

— Ҳа, ҳамкорлик самараси кўзга ташланиб қолди. Бу ишлар юришиб кетганидан далолат. Биринчи бўлиб Аҳмад Яссавий номли колхоз механизаторлари, маълум тайёргарликдан сўнг, картошка ковлаш комбайнлари ва бошқа машиналарни ишга солдилар. Ҳар гектар ердан ўртача 25 тонна ҳосил олинди .Бу эса одатдагидан икки ҳисса кўп. Бунинг иқтисодий жиҳатларини хўжалик мутахассислари аён та қолсинлар.

У. Раҳимбердиев — бош агроном: хўжалигимизда 120 гектар ерга картошка экилган. Экинни парваришлаш ихтисослашган уч бригада зиммасида бўлиб, уларга катта агроном Т. Югай умумий раҳбарлик қилаётир. Колхоз бошқаруви раиси А. Машахонов ҳам тажрибада бевосита қатнашди. У янги технологияни ўрганиш учун Голландияга бориб келди.

Ҳозир ковлаб олинаётган картошканинг ҳаммаси саралашдан сўнг районимиз хўжаликларига уруғлик учун тарқатилаётир. Келаси йилда қўшниларимиз ҳам голланд технологияси асосида картошка етиштириш имкониятига эга бўладилар.

М. Ким — бош ҳисобчи: Голландия фирмаси билан тузилган шартномага кўра бу йил 4,5 миллион сўм фойда олишимиз белгиланган. Ўйлайманки, бу ният рўёбга чиқади. Колхозимиз қартошкачиликни фойдали соҳага айлантириш учун жиддий киришди. Биздаги тажриба бошқалар учун ҳам қўл келади.

Н. Хўжаев: — Яна бир — икки кундан сўнг тажриба ўтказилаётган бошқа хўжаликларда ҳам ҳосил йиғим-терими якунланади. Бу ишларнинг боришини концерн жиддий кузатиб турибди, чунки беш йилга мўлжалланган шартноманинг муваффақияти ишнинг қандай қадам олишига боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 90-йилларнинг ўрталарига бориб республикамизда йилига 625 минг тонна (шундан 125 минг тоннаси уруғлик) картошка етиштириш чоралари белгиланаяпти. Келаси йилдаёқ эртаги картошка майдонлари анча кенгаяди. Ўйлаймизки, шартнома муддати тугагунча республика аҳолиси ўзимизда етиштирилган картошка билан тўлиқ таъминланади, катта сарф-харажат эвазига бошқа минтақалардан картошка ташиб келтириш ғалвасидан қутуламиз.

Икром АҲМЕДОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Юқори Чирчиқ районидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалигининг Комил Қўлдосов бошлиқ бригадаси картошкакорлари 17 гектар майдонда голланд усулида мўл ҳосил етиштирдилар.

СУРАТДА: бригада бошлиғи К. Қўлдосов.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЛАВЛАГИ БОР, ҚАНД ЗАВОДИ-ЧИ?

Бу йил Қўрғонтепа туманида илк бор 50 гектар ерга қанд лавлаги экилиб, гектар бошига 500 центнердан кўпроқ ҳосил олинди. Келишувга мувофиқ лавлагининг 2 минг тоннаси Чимкент вилоятидаги қанд заводига жўнатилди. Энди у ердан 200 тоннадан зиёд шакар келтирилади. Бунинг маъноси шуки, туман аҳолиси белгиланган меъёрга қўшимча шакар олади.

— Ҳисоб-китобларга қараганда, — дейди туман ҳокими Т. Бобохонов, — бизнинг шароитда бу муаммони бемалол ҳал этиш мумкин. Бунинг учун вилоятимиздаги ҳар бир туманда 100-200 гектар ерга қанд лавлаги экиш кифоя. Маҳсулотни қайта ишлаш учун вилоятда ҳар кеча-кундузда 500 тонна лавлагини қайта ишлайдиган корхона қуриб олинса, бас. Ишбилармонлар бу ҳақда ўйлаб кўришса, чакки бўлмасди.

Андижон вилояти.
(ЎзА мухбири).

МАҲСУЛОТ СИФАТИГА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

«Хоразм пахтачилик саноати» бирлашмаси корхоналари орасида Гурлан пахта заводининг ходимлари ҳар тонна пахтадан энг кўп миқдорда тола олишга муваффақ бўлмоқдалар. Бу ерда «Қизил равот» пахта навининг ҳар тоннасидан 347 килограмм сифатли хом ашё олинди. Бу эса меъёрдагидан олти килограмм кўп. Ана шу килограммлар тонналарга айланиб, корхона фойдаси камида 10 миллион сўмни ташкил этади.

Бу йилги юқори натижалар табиийдир: пахта саноати ходимлари чигитни туксизлантириш жараёнини назорат қилишни кучайтириб, чигитда қоладиган тукни анча камайтирдилар, хомашёни сақлашга катта эътибор берадиган бўлиб қолдилар. Бошқа соҳаларда ҳам нобудгарчилик тугатилди. Завод ҳозиргача икки минг тоннадан кўпроқ тола ишлаб чиқарди. Истеъмолчилардан маҳсулот сифати ҳақида бирорта ҳам эътироз келмади.



«КИМЁГАР»—САНОАТЧИЛАР ХИЗМАТИДА

◆ Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чоғроққина касалхонасида ҳозиргача томоқ, бурун, қулоқ касалликларини даволайдиган алоҳида бўлим йўқ эди.

Яқинда бирлашма саноатчилари ана шундай қулайликка эга бўлишди. Бу ерда энг замонавий медицина асбоб-ускуналарига эга бўлган шифохона иш бошлади. Унга «Кимёгар» деб ном берилишининг рамзий маъноси бор. Чунки бу саломатлик масканида асосан бирлашмада меҳнат қилаётган кимёгарлар ва уларнинг фарзандлари даволанишади.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкентдаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида маҳсулот тайёрлаш ҳажми ошиб бормоқда. Кейинги пайтда бу ердан буюртмачиларнинг қадами узилмаяпти. Кеча Самарқанддан келишган бўлса, бугун узоқ Қорақалпоғистондан. Ҳатто чет эл мамлакатлари вакиллари ҳам завод маҳсулотларига иштиёқманд. Корхона жамоаси эса сифатли маҳсулот тайёрлаб, пешма-пеш истеъмолчиларга жўнатяпти.

Суратда: жўнатишга тайёр маҳсулотлар.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олмалиқдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси — республикада барқарор ишлаётган корхоналардан бири. Бу ерда бозор муносабатлари шароитида ишчи ва хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ҳозир қийин иқтисодий аҳволни бошдан кечирсак-да ўз ишчи-хизматчиларимизни оғир шароитда якка қолдирмасликка ҳаракат қиляпмиз, — дейди бирлашма бош муҳандиси М. Аҳмедшин. — Бизда ўртача ойлик ҳам анча кўтарилди. Бундан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун ҳар бир кишига қўшимча 1000 сўмдан ёрдам пули бериляпти, транспорт харажатлари учун эса 50 сўмдан ажратилмоқда. Корхонамизда беш йилдан кўп ҳалол меҳнат қилганларга қўшимча яна бир ойлик миқдорда иш ҳақи берилмоқда.

Бирлашмада ишловчиларнинг фарзандлари болалар боғчалари билан тўла таъминланган. 5 та болалар боғчасида қарийб мингдан зиёд фарзандларимиз тарбия олишяпти. Корхона бунинг учун ҳар бир болага 2 минг сўмдан сарфлаяпти. Бизда ишчиларни уй-жой билан таъминлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Дейлик, ўтган йили 150 нафар ишчи-хизматчи уй-жой билан таъминланди. Шу йилнинг 6 ойида эса 65 киши янги уй-жойларга кўчиб ўтди. Шу мақсадлар учун бирлашма шаҳар ижроия маҳкамаси ҳисобига қарийб 5 миллион сўм маблағ ўтказди.

Айни пайтда корхона аҳлининг маданий-маиший ҳордиқ чиқариши учун қулай шароитлар яратилган. Бизда 500 ўринли маданият саройи, спорт зали бор. Ҳатто ўз циркимизга ҳам эгамиз. Янги технология ва ускуналар билан жиҳозланган даволаш марказидан эса ишчилар мамнун. 100 кишига мўлжалланган бу марказнинг иккинчи навбати барпо этиляпти. Чимёнда эса йил давомида фаолият кўрсатадиган пансионат ҳам қуряпмиз.

Бирлашма маъмурияти ҳайрия мақсадларида ҳам маблағлар ажратмоқда. Жумладан, мачит қурилишига бир неча юз минг сўм сарфланди. Бу йил эса Оҳангарондаги ногиронлар уйига 10 минг сўм ёрдам пули ажратдик. Ёлғиз қарияларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа совғалар ҳадя қилдик.

«Кўз кўрқоқ, қўл ботир» деганлари рост экан. Бирлашма мамъурияти қийинчиликдан чўчимасдан 226 гектар ерни ижарага олиб, чорвачилик фермасини барпо этди. Ҳозир бу ерда 224 бош қорамол, 210 та қўй, 2000 дан зиёд товуқ ва ғозлар боқиляпти. Уз лимонариймизга ҳам эгамиз. Ўтган йили бу ердан 5 тонна лимон олиниб, ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Бу йил эса меҳнаткашлар дастурхонига ҳамда бирлашмага қарашли болалар боғчаларига 38 тонна гўшт, 45 тонна сут, 65 минг дона тухум ва 12 тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди.

Албатта, корхонада муаммолар ҳам анчагина. Бироқ корхона жамоаси имконият излаб, муаммоларни ҳам ҳал қилишга интиляпти. Бозор иқтисоднёти ўз қонунлари ва йўналишларига эга. Ҳар ким бу шароитда тўғри йўл танлаб, тадбиркорлик билан иш тутса мақсадга эришиши тайин.

Мана, илгари биз чорва молларини гўшт комбинатига топшириб, у ердан фақат гўшт маҳсулотинигина олардик, холос. Молнинг тери ва жуни эса гўшт комбинатида қолиб кетарди. Ҳозир ўзимизда гўшт тайёрлайдиган цех жиҳозладик. Келажакда гўшт билан бирга бу ерда тери ва жундан тайёр маҳсулотлар олишни кўзда тутяпмиз.

Мутахассисларимиз эндиликда яна бир муаммони ҳал қилиш устида бош қотиришяпти. Корхона атрофида миллионлаб тонна фосфогипс қолдиқлари йиғилиб қолган. Германияда бундай қолдиқлардан цемент, ғишт ва гипс буюмлари ишлаб чиқаришган. Бирлашма маъмурияти ушбу технологияни харид қилиб, чиқиндисиз маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни мўлжалламоқда.

Ф. ИСМОИЛОВ,
Тошкент вилояти.

Гулчеҳра Нодирова ўқитувчилик фаолиятини бошлаганига ҳалқ кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да у ёшларга сабоқ беришда ўз устозлари маслаҳатларига таянади. Дўстлик районидаги Саркисов номли 7-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс бераётган бу ёш муаллимани ўз касбининг чинакам жонкуяри дейиш мумкин.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

„ПОЧТА ИШИ“

ЁКИ КИОСКА ОРТИДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР

Наманган вилоятида ҳеч кимнинг назари тушмайдиган, шу пайтгача эътибордан четда бўлган «почта иши» юзасидан антиқа воқеа рўй берди. Газета савдосидан тушаётган пулга кўз олайтирган кимсалар устидан тергов бошланди. Улар қилмишига яраша жазо олишлари шубҳасиз. Бу хусусда сўнгги сўзни адолат посбонлари айтадилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида газета ва журналлар нархларининг ошиши билан вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасининг матбуот тарқатиш ва чакана савдо бўлими бошлиғи Нўъмонжон Турғунов, унинг муовини Лутфиддин Насриддинов ва йўриқчи Асқарали Қамбаров пайтавасига қурт тушди. Улар газета, журналлар савдосидан тушаётган жарақ-жарақ пулларни кўриб шошиб қолишди. Бир-бирларига қараб «яқиндагина чақаларга сотилаётган газеталар бугун минг-минглаб пулларга айланса-я, бу ҳам худонинг берганида», — деб қўйишарди.

Одатдагидек улар ҳам ғаразли мақсад йўлида тез бирикишди ва газеталар савдосидан тушаётган пулардан ўмариш пайига тушдилар. Ана шу мақсадда йўриқчи вазифасини бажараётган Асқарали Қамбаровни сотувдан қолган газета, журналлар сақланадиган омборга мудир қилиб ўтказишди. Қамбаров ҳар қандай топшириқни ярим ишорадан тушунадиган йигит экан, оқ фотиҳани олибоқ ишга киришиб кетди. У топшириқни бошлиқлари айтганидан ҳам аълороқ бажариш учун жонини жабборга бериб ишлашга тайёр эди. Шундай ҳам қилди. 11 та район почта-алоқа бўлимлари бошлиқлари ва Наманган шаҳридаги 30 дан ортиқ киоска мудирларининг юмушларигача ҳаммасини ўз зиммасига олди. Эндиликда эртадан кечгача район почта-алоқа бўлимлари раҳбарлари ҳамда киоска мудирлари ўрнига ҳужжат расмийлаштириш билан машғул бўларди.

Бундай «ишчанлик» район почта-алоқа бўлими раҳбарлари ва киоска мудирларига маъқул тушди. Улар иши енгиллашганидан хурсанд. Қамбаров эса сотувдан қолган газеталарни ўзи хоҳлаганича расмийлаштириш имконига эга бўлганидан мамнун эди. Шу тариқа ҳар ой охирида районлар почта-алоқа бўлимлари бошлиқлари ва киоска мудирлари эски газеталарни бойлам-бойлам қилиб устига ўз фамилияси ва хомаки ҳисобини ёзиб омборга ташлаб кетадиган бўлишди. Қамбаров эса шошмасдан икки нусхада ҳужжат расмийлаштириб бир нусхасини районларга ва киоскаларга пешмапеш юбораверди.

Бу ишлар хамирдан қил суғургандай силлиқ битаётганини кўриб Асқарали кафтларини бир-бирига ишқалаб «ҳамма ишлар жойида», деб қўярди. Унинг хурсанд бўлганича бор эди :негаки, минг марта текширилганда ҳам қанча газета сотилмай қолганлиги ҳақидаги район ва киоскалардаги ҳужжатлар билан омбордаги, яъни идорадаги ҳужжатлар бир хил чиқаверади-да. Шу боис ҳам у ўзига ишонади, унча-мунча одамга сўз бермайди. У дастлаб бизни ҳам ҳамма ишлар рисоладагидек кетаётганига зўр бериб ишонтирмоқчи бўлди. Бироқ молия ишининг мутасаддилари бу ҳужжатларни тўлдиришга унинг ҳаққи йўқлигини, уларни ҳар бир район почта-алоқа бўлимлари бошлиқлари ва киоска мудирлари ёзиб, қолдиқ газета билан бирга олиб келишлари, у эса бирма-бир текшириб қабул қилиб олиши лозимлигини узоқ тушунтирдилар. У минг хил баҳонани қалаштириб охири тан олса-да, отдан тушса ҳамки эгардан тушгиси келмасди.

— Шу пайтгача бирор район почта-алоқа бўлими бошлиғи ёки киоска мудири олиб келган газеталарим сонини кўпайтириб ё озайтириб ёзибсан, деб эътироз билдиргани йўқ ,— дея туриб олди.

Лекин биз эътироз билдирдик ва Қамбаров қоралаган қоғозларга ишонмай, май, июнь, июль ойларида сотилмай қолган «Ўзбекистон овози» газетасини санаб кўрдик. Июнь ойида акт қилинган 8300 дона газета ўрнига 9270 та, яъни 970 дона кўп чиқди. Май ва июль ойларида эса акт қилинган 5812 ўрнига 4220 дона, яъни 1592 та камомад келди.

Бундай фарқдан ажабланаётганимизни кўриб Н. Турғунов ва Л. Насриддинов ётиб қолгунча отиб қол қабилида иш юритиб, турли баҳоналарни рўкач қила бошладилар:

— Сотилмай қолган газеталар бир ойда кўп, бошқа ойларда кам бўлса нима қилибди? Чунки газеталар аралашиб кетган .Шунинг учун газетанинг уч ойлик умумий сони олинса бас, тўғри бўлади, унча катта фарқ чиқмайди, — дейишди бир-бирларининг гапини такрорлашиб.

Қизиқ, шу одамларнинг ўзлари сотувдан қолган газеталарни ҳар ойда алоҳида-алоҳида акт қилишиб, бу ҳақдаги ҳужжатларни юқори идораларга юборганлар. Энди эса, дўппи тор келиб қолгач, ойма-ой эмас, умумийси ҳисоб деб ўтирса, бу қандай мантиқсизлик? Қолаверса, май, июнь, июль ойларида газетанинг чакана савдодаги баҳоси уч марта ўзгарди. Шу боис ҳам аралаш-қуралаш қилиб газета сонини ўзгартирган билан иш битмайди.

Бундай қуракда турмайдиган баҳоналарни кўп эшитишга тўғри келди. Айниқса, бу борада А. Қамбаров устаси фаранглардан экан. Биз у билан гаплашиш мақсадида сотилмай қолган газета, журналлар сақланадиган омборда бўлдик. Бу ердаги тартибсизлик, чанг ва ифлосликдан кишининг боши айланади. Омборхона ичида оёқ босадиган ер йўқ. Боғлам-боғлам, даста-даста газеталар ва журналлар тартибсиз қалашиб ётибди .Хона бурчагига қўйилган стол-стулда ўтирган А .Қамбаров зўрға кўринади .Сиртдан қараган одам бу йигит илмий иш қилаётган бўлса керак, деб ўйлайди. Аслида эса у бошқача «илмий иш» билан шуғулланар экан ,бу борада ҳатто «кашфиётлар» ҳам яратибди.. Биргина кашфиётининг тагига етиш учун вилоят давлат назорат бошқармаси масъул ходими ва вилоят молия бўлимининг тафтишчиси билан биргаликда икки кун шаҳар киосклаларини айланиб сарсон бўлдик. Охири «кашфиёт»нинг миси чикди. Қамбаров сотилмай қолган газеталар рўйхати акс эттирилган ҳужжатларни атайлаб чалкаштириб ва нотўғри тўлдирган экан.

Шу ўринда А. Қамбаровнинг яна бир «фазилати» ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. У уюлиб ётган газеталар тагидаги бир қоғоз қутини кўрсатиб, унинг ичида сотилмай қолган 888 та «Ўзбекистон овози» газетаси бор, Задарё районидан келган, ҳисобга киритиб қўяверинг, бу рақамлар қилмасдан топшириб юборишди. Л. Насриддинов билан А. Қамбаров бу ҳақда тушунтириш хати ҳам беришди.

Биз Намангандаги макалатура қабул қилиш ва қайта ишлаш корхонасида бўлганимизда, вилоят матбуот тарқатиш ва чакана савдо агентлиги томонидан 1560 килограмм, яъни 2340 сўмлик макалатура топширилгани тўғрисидаги ҳужжатни кўрсатишди. Ажабланарлиси шундаки, макалатурага асосан 1990-91 йиллардаги газета, журналлар топширилган. Хўш, бу газета, журналлар бундан 1-2 йил олдин эмас, айнан омборхона тафтиш қилинаётган пайтда макалатурага топширилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Кўриниб турибдики, вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасининг матбуот тарқатиш ва чакана савдо бўлимидаги мутасаддилар кўнглига келган ишни қилишаверади. Хоҳлашса, сотилган газетани сотилмади, деб акт қилишади. Хоҳлашса, ҳужжатларни чалкаштириб, нотўғри тўлдиришади, хоҳлашса ўн минг сўмлаб газета, журналлар тақдирига қўл силтаб қўяверишади. «Ўзбекистон овози» газетасининг аралашуви билан бу ишларга нек қўйиладиган бўлди. Агар бу масалага илгаригидек эътиборсизлик билан қаралганда, ким билади, у яна қачонгача давом этарди?! Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақл бор. Бироқ ҳозир қирқ йил кутадиган замонмас. Ўйлаймизки, нафси ҳакалак отган кимсалар тез орада хизматларига яраша «мукофот»ларини олишади.

Хўш, бу билан нима ўзгаради? Вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасида рўй бераётган нопокликларга чек қўйиладими, деган савол туғилиши табиий. Менимча, бу масаланинг илдизи, моҳияти очиб ташланмаса, мана шу вазиятни вужудга келтирган шароит, муҳит фош этилмаса корхонадаги аҳвол ўша-ўша қолаверади. Зеро, Президентимиз И. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида ҳам бозор шароитида ҳуқуққа зид хаттиҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсишини таъкидлаган ва «Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак», деб бежиз уқтирмади. Икки-уч киши жазоланганги билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб корхона фаолиятига эътибор берайлик.

Маълумки, шу йилнинг апрель ойида республикада «Ўзбекистон почтаси» концерни ташкил этилиб, вилоятларда унинг бошқармалари таркиб топди. Бу ишлар албатта шу соҳа фаолиятини жонлантириш, яхшилаш мақсадида қилинган. Амалда эса бунинг акси бўляпти! Почта алоқаси ва матбуот тарқатиш соҳасидаги хизматларга эътирозлар ортиб боряпти. Масалан, Наманган вилоятидан апрель ойидан буён аҳолига почта-алоқа хизмати кўрсатиш яхшиланди, дейдиган бирорта мард топиш амри маҳол. Аҳолига почта алоқа хизмати кўрсатишнинг аҳволи тобора ёмонлашиб бораётгани, газета-журналларни ўз эгаларига вақтида етиб бормаётгани матбуотимиз обрўсига жиддий путур етказяпти. Айниқса, бу обуна давом этаётган айни пайтда яққол сезилмоқда. Негаки, ҳозир катта-катта қишлоқ Кенгашлари ҳудудида битта ёки иккита почтальон қолган. Бу ҳам етмагандай, район почта-алоқа бўлимларига ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб келаётганлар оқими тўхтамаяпти. Буларнинг ҳаммаси яхшилик аломати эмас, албатта.

Дўппини олиб жиддийроқ ўйлаб кўрайлик. Наманган вилоятида почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонаси ташкил бўлгач, 194 катта-кичик раҳбарлар, аппаратчи ходимлар пайдо бўлди. Республика бўйича бу кўрсаткич қанча бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Бевосита аҳолига югуриб-елиб хизмат қиладиган, халқ ичида ишлайдиган ишчи-хизматчиларнинг сони эса бир нафар ҳам кўпаймади. Аксинча маблағни тежаб қолиш мақсадида уларни янада қисқартириш давом этяпти?!

Энг ачинарлиси, 194 нафар аппаратчи армияси ташкил бўлгани билан бу соҳада бирор ижобий ўзгариш сезилмади. Аксинча ишлар орқага кетса кетдики, олдинга силжимади. Олғирлик авжга минди! Негаки, янги корхона раҳбарлари янги курсиларга ўтирдилару, гўё муроди-мақсадларига етдилар. Қуйи бўғинларда иш қандай бораётгани билан қизиқадиган, уларни назорат қиладиган одам топилмади. Оқибатда жамоа ўртасида бошбошдоқлик, ўзи-бўларчилик авж олди. Ҳатто аҳвол ўғирлик қилиш, жиноий ишга қўл уришгача бориб етди. Мана корхонанинг матбуот тарқатиш ва чакана савдо бўлимида рўй бераётган иллатларнинг замини, илдизи қаерда! Бу илдиз фақат Наманганнинг ўзидамикин? Нафси бузуқлик, харомтомоқликнинг хаккалак отган илдизи анча юқоридан — уларнинг пойтахтаги тармоқ концернидан бошланмаганмикан? Ҳар куни минг-минглаб газеталарни хоҳласа сотиб, хоҳласа сотмай жиғилдонга уришни касб этган киоска ортидаги қароқчиларнинг «санъати»га республика Алоқа вазирлигидаги акахон ва опахонлар қандай баҳо беришаркин?

Айтинг-айтинг, балиқ бошдан сасиган бўлмасин-да, ишқилиб!

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Наманган вилояти мухбири.

ФЕЛЬЕТОН

РЕДАКЦИЯДАН: Фельетонни босишга тайёрлаш чоғида Наманган шаҳар прокуратурасидан хат олинди. Унда шаҳар прокурори У. Шамсиев вилоят почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонасининг матбуот тарқатиш ва чакана савдо бўлими фаолиятида газета, журналларни сотиш ҳамда сақлашда йўл қўйилган камчиликлар, камомадлар ҳақидаги материал олингани, тергов ва суриштириш ҳаракатлари бошлаб юборилганлиги ҳақида маълум қилди.

ДУНЁ ОВОЗИ

Хитой пойтахтида келаси йилнинг июлидан бошлаб ҳамма енгил автомобиллар, кичик автобуслар ва кичик юк ташиш транспортлари мажбурий равишда хавфсизлик камарлари билан жиҳозланган бўлиши керак, дейилади ХХР Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг бугунги фармойишида.

Бу камарларсиз, деб таъкидланади ҳужжатда, автомобиль ҳайдаш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси берилмайди, гувоҳномаси бўлганларнинг эса, бусиз йўлга чиқишга рухсат этилмайди.

* * *

Варшавада Американинг машҳур «Плейбой» журнали поляк тилида босмадан чиқди. Польша «Плейбой» нашр қилинаётган 16-давлат бўлди. 100 минг нусхада чиқаётган бу нашр Америкада чиқадиган «Плейбой»нинг оддий таржимаси эмас, балки мустақил журналдир.

Журнал таҳририяти маҳаллий муаллифларнинг мақолалари, ўқувчиларга яхши таниш бўлмаган жаҳон ёзувчиларининг адабий асарлари ва турли ижтимоий муаммоларга кенг ўрин бериш ниятида. Варшавалик муҳаррирларнинг айтишича, журнал беҳаё суратлардан воз кечади. Польша «Плейбой»и уятдан кўрпа тагига яширадиган эмас, балки стол устига тахлаб қўйиладиган ораста журнал бўлади.

* * *

Ҳиндистоннинг жанубида жала қуйиш оқибатида 200 одам ҳалок бўлди. ЮНИ ва ПТИ ахборот маҳкамалари тарқатган хабарларга қараганда, Тамиланд штатининг Мадурай туманида сув босган экинзорларда қутқарув ишлари давом этмоқда. Бу маконда катта-катта майдонларни сел ювиб кетган, вайрона кулбалар остида юздан ортиқ кишининг қолиб кетгани тахмин этилмоқда.

Қурбонларнинг қанчалигини аниқлаш учун ташқи дунёдан узилиб қолган аҳоли манзиллари билан алоқани тиклаш керак. Ҳарбийлар ёрдам сўраб мурожаат этган қишлоқлар фуқароларига ёрдам бермоқдалар, осмондан озиқ-овқат боғичларини ташламоқдалар.

* * *

Америка Қўшма Штатлари давлат департаментининг расмий вакили Ричард Баучер АҚШ маъмурияти яқинда Литвада бўлиб ўтган парламент сайловидаги голибларнинг янги ҳукумати билан ҳамкорликни ривожлантиришга шайдир, деб айтди.

[ЎзА].

Фотомухбиримиз В. Дубровский олган суратлар санъат ихлосмандларига жуда таниш. Унда сиз Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг «Ўғрини қароқчи урди» спектаклида иштирок этган халқ артистлари Ғани Аъзамов ва Ёқуб Аҳмедов ҳамда Алишер Навоий номли катта Давлат академик театри солисти Абдулла Бозорларни кўриб турибсиз.



● *НОДИРАБЕГИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН*

«НОДИРА АҲВОЛИДИН ОГОҲ БЎЛИНГ...»

Қўқон адабий муҳитини яратишга муносиб ҳисса қўшган амир Умархоннинг Нодирабегимни умр йўлдоши қилиб танлагани бежиз эмасди. Нодиранинг асл исми Моҳларойим бўлиб, Комила, Мажнуна тахаллуслари билан ҳам шеърлар ёзган. У ҳусни нафосатда, ақлу фаросатда даврининг етук аёлларидан бўлган.

Амир вафотидан кейин давлатни идора қилган Нодирабегим маданият ва санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берди, алломалар, шоир ва шоираларни ҳимоясига олди. Туркистон хонларининг ноаҳиллиги, ўзбошимчалиги хассос шоиранинг фожиали қисматига сабаб бўлди.

«Нодирабегим» спектаклини (Туроб Тўла асари) дастлаб 1980 йилда Ҳамза номидаги театрда Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган эди. Орадан ўн икки йил ўтгач, у мазкур спектаклни Муқимий номидаги театр актёрлари ижросида намойиш этди. Режиссёр юз беражак фожиани томошабинлардан сир тутишга уринмайди. Парда очилиши биланоқ саҳнада фалокат шарпаси сезилади. Саҳна манзаралари ва раққосаларнинг қора либосда чиқишлари фожиадан дарак беради.

Спектакль тугагандан кейил республика театрларининг таниқли актёрлари ҳамда Маданият ишлари вазирлиги, «Маҳаллаи» ва «Наврўз» хайрия жамғармалари вакиллари иштирокида асар батафсил муҳокама этилди. Хайрия жамғармалари ижрочиларга совғалар топширди.

[ЎзА мухбири].

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

1992 йил 23-27 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Урология ва оператив нефрология республика илмий маркази Ўзбекистон-Италия "Ўзбегим Интернейшнл" фирмаси билан биргаликда

"УРОЛОГИЯ-92"

халқаро медицина кўргазмасини ўтказади.

Кўргазмада Германия, Австрия, Япония, АҚШ, Бельгия, Туркия, Венгрия, Югославия фирмаларининг дори-дармонлари ва медицина асбоб-ускуналари намойиш этилади.

Кўргазманинг ишлаш вақти: 9 дан 17.00 гача.

Барча қизиққан кишиларни таклиф этамиз.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 53-"а" (АҚШ элчихонаси рўпарасида).

Телефонлар: 77-76-58, 77-45-32.

Телефакс: 777234.

Телекс:116395 RONDO.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ: «ФАРЗАНДЛАР — ЖАННАТНИНГ РАЙҲОНЛАРИДУР».

● МУҲАММАД АЛИ ИЖОДХОНАСИДА

● ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА: «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ШАРҲ

● «БОЛА ЎҒРИЛАРИ» (СУД ОЧЕРКИ)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт—33-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими— 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда—3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда —35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70.

Навбатчи муҳаррир: А. ПУЛАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.00 Г—453. № 228. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.